

## ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тухлиева Малика Тураевна

[malitm7775@gmail.com](mailto:malitm7775@gmail.com)

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон қишлоқ жойларида ёшлар бандлигини таъминлашнинг молиявий механизмлари таҳлили такдим қилинган. Молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари, давлат дастурлари ва халқаро тажриба асосида ёшларнинг иқтисодий фаоллигини оширишнинг миллий модели таклиф этилган. Шунингдек, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, рақамли иқтисодиётда янги иш ўринлари яратиш ҳамда давлат-хусусий шерикликни кучайтириш бўйича тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** ёшлар бандлиги, қишлоқ ҳудудлари, молиявий механизм, микрокредит, давлат дастурлари, ёшлар тадбиркорлиги.

Жаҳон миқёсида ёшлар демографик жиҳатдан катта қисмини ташкил этади – улар 2 милли арддан ортик, яъни аҳолининг 25 фоиздан кўпроғини ташкил қилади<sup>1</sup>. Ўзбекистон эса бу борада янада юқори кўрсаткичга эга, чунки мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этади<sup>2</sup>. Шу боис, Ўзбекистонни "ёшлар мамлакати" деб аташ тўла асослидир. Яқин келажакда ёшларнинг давлат ва жамият ҳаётида ҳал қилувчи кучга айланишини инобатга олсак, уларнинг сифатли таълим олиши, тарбияланиши, шахс сифатида шаклланиши учун зарур шароитларни яратиш, муаммоларини ўз вақтида бартараф этиш ва профессионал кўникмаларини ривожлантириш каби вазифалар билан бир каторда уларни бандлиги масаласи ҳам йирик аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбарининг "Ёшлар келажаги билан боғлиқ ҳар қандай вазифа бирламчи аҳамиятга эга" деган сўзлари бежиз эмас. Бу ёндашув "Ўзбекистон–2030" стратегиясида ҳам ўз аксини топган. Мисол учун, ушбу стратегиянинг "Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш" деб номланган биринчи йўналиши 44 та банддан иборат бўлиб, шулардан 25 дан зиёди бевосита ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилади ва уларнинг ривожланишига қаратилган.

<sup>1</sup> "Ёшлар учун давлат сиёсати – амалда" (Мақола, Gov.uz).

Линк: <https://gov.uz/uz/yoshlar/news/view/8531>

<sup>2</sup> Ibid

Мавжуд статистик маълумотлар қишлоқ жойларда ёшлар ишсизлигининг шаҳарларга нисбатан юқори эканлигини тасдиқлайди<sup>3</sup>. Бу ҳолат иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу муносабат билан, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, улар учун барқарор иш ўринларини яратиш ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга булиб, "Ёшлар дафтари", "Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси" каби дастурлар орқали кредитлар, субсидиялар ва грантлар ёшларга ажратилмоқда. Мавжуд вазият эса, уларнинг самарадорлигини янада ошириш зарурати борлигини курсатмоқда.

Ёшлар бандлигининг ҳозирги ҳолати хақида гапирадиган булсак, UNICEF (2020) маълумотларига кўра, Ўзбекистондаги қишлоқ ёшларининг 35 фоизи ўз ихтисослиги бўйича иш топа олмайди. Бунинг асосий сабабларидан бири — касбий малака ва меҳнат бозори талаблари ўртасидаги мосликнинг йўқлиги ҳисобланади. Қишлоқ ҳудудларида меҳнат бозори асосан қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлиб, мавсумийлик ва меҳнат унумдорлигининг пастлиги ёшларнинг барқарор даромад манбаига эга бўлиш имкониятларини чеклайди. Бундан ташқари, таълим тизимида амалий кўникмаларнинг етарли эмаслиги ёшларни меҳнат бозори талабларига мослашишини қийинлаштиради. Шунингдек, қишлоқ ҳудудларида ишлаб чиқариш корхоналари сони кам, инфратузилма етарлича ривожланмаган.

Сўнгги йилларда, давлат томонидан олиб борилаётган ислохотлар, жумладан "Ёшлар дафтари", "Тадбиркор ёшлар" лойиҳаси каби молиявий ёрдамлар қисқа муддатли натижа бермоқда. Шу боис, ёшлар бандлигини барқарор таъминлаш учун тизимли ва узоқ муддатли молиявий механизмлар зарур.

Амалдаги молиявий механизмларни таҳлил қиладиган булсак, қишлоқ ёшларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидаги молиявий инструментлар фаолият юритмоқда:

"Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси" орқали асосан, тадбиркор ёшларга 7–10 йиллик муддатда, паст фоизли кредитлар ажратилади. "Ёшлар дафтари" орқали лойиҳа ғоясига кўра ёшлар бизнесини қўллаб-қувватлаш учун давлат грантлари берилади. "Ёшлар келажагимиз" жамғармаси эса, ёшларнинг лойиҳаларига инвестиция киритиш ва иш ўринлари яратишни молиялаштириш мақсадида ташкил этилган.

<sup>3</sup> World Bank (Youth Employment in Uzbekistan: Opportunities and Challenges, 2021) Манба: documents1.worldbank.org, pp. 6–7

Шу билан бирга, халқаро молиявий институтлар (Жаҳон банки, ЕББР, Ислом тараққиёт банки) томонидан ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилган кўшимча лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бироқ амалий натижаларга кўра, кўплаб ёшлар бу имкониятлардан фойдалана олмаётгани кузатилади. Жўраева (2023) таъкидлаганидек, кредит олиш жараёнлари мураккаб, гаров талаби юқори, молиявий саводхонлик етишмайди<sup>4</sup>. Шу сабабли, ёшлар тадбиркорликни бошлашга қийналишади. Бу масалаларга жаҳон ҳамжамияти ечимларидан мувофиқларини урганиб чиқиш мақсадга мувофиқ буларди.

Хорижий тажриба таҳлилидан келиб чиқадиган булсак, Жаҳон банкининг (2021) “Youth Employment in Uzbekistan” тадқиқотида кўра<sup>5</sup>, хориж мамлакатларида ёшлар бандлигини таъминлашда қуйидаги усуллар самарали ҳисобланади:

- ёшларни касбий малакага ўргатувчи дуал таълим тизимини жорий этиш;
- стартап лойиҳаларни грантлар орқали молиялаштириш;
- хусусий сектор билан давлат шериклигини кучайтириш.

UNESCO (2025) тадқиқоти эса<sup>6</sup>, “dual education” моделини тавсия этади ва унинг моҳияти қишлоқ худудларида ишсизликни камайтириш учун таълим ва ишлаб чиқаришни уйғунлаштиришдан иборат. Бундай модел ёшларни иш жойида амалий кўникмага эга бўлиш ҳамда таълим жараёнидан сўнг ишга жойлашиш имкониятини беради.

Қишлоқ ёшларини банд қилиш масаласини молиявий жиҳатдан яхшилаш учун мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш ва уларнинг ривожланишига кўмаклашишнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

#### 1. Имтиёзли кредитлар олишни осонлаштириш

Ёшларнинг тадбиркорликка киришишлари учун молиявий кўмакка эришиш жуда муҳим. Шу сабабли, гаров талаб қилмайдиган ёки минимал гаров билан микрокредитлар ажратиш тизимини енгиллаштириш зарур. Бунинг учун тижорат банклари, микромолия ташкилотлари ва “Ёшлар - келажагимиз” жамғармаси

<sup>4</sup> Juraeva, G. Sh. (2023). Improving the mechanism for ensuring the employment of labor resources. JournalNX – A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, (3), 3–4.

Retrieved from <https://repo.journalnx.com/index.php/nx/article/download/4536/4317/8740>

<sup>5</sup> World Bank. (2021). Youth Employment in Uzbekistan: Opportunities and Challenges. Washington, DC: World Bank., pp. 22–25

Retrieved from <https://documents1.worldbank.org/curated/en/666311634704762319/pdf/Youth-Employment-in-Uzbekistan-Opportunities-and-Challenges.pdf>

<sup>6</sup> UNESCO. (2025). Skills Development for Employability in Rural Areas of Uzbekistan. Paris: UNESCO., (pp. 14–17) Retrieved from <https://www.unesco.org/en/articles/skills-development-employability-rural-areas-uzbekistan>

томонидан ёшларга мўлжалланган имтиёзли кредит дастурларини кенгайтириш лозим. Кредит ажратишда лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти ва иш ўринлари яратиш имконияти асосий мезон сифатида танланиши мақсадга мувофиқ.

## 2. Ёшлар учун стартап грантларини жорий этиш

Инновацион ғояларга эга ёшларни рағбатлантириш мақсадида давлат грантлари ва венчур молиялаштириш тизимларини ривожлантириш зарур. Стартап лойиҳалар учун мусобақалар ташкил этилиб, ғолиб ёшларга грант маблағлари, менторлик ёрдами ва бозорга кириш имкониятлари тақдим этилиши керак. Бу жараёни самарали ташкил этиш ёшлар ўртасида инновацион тадбиркорликни юксалтиради ва янги иш ўринлари яратади.

## 3. Молиявий саводхонликни ошириш

Ёшларнинг молиявий билимларини ошириш бандликни таъминлашда катта аҳамиятга эга. Шу боис, ҳар бир туманда ёшлар учун "Молиявий маслаҳат марказлари" ташкил этиш лозим. Бу марказлар орқали ёшларга бизнес-режа тузиш, солиқ тизими, кредитлаш ва сармоя киритиш каби йўналишларда амалий билимлар берилиши керак. Банк мутахассислари ва иқтисодчилар иштирокида мунтазам ўтказиладиган семинарлар бу жараёни янада самарали қилади.

## 4. Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини кенгайтириш

Қишлоқ жойларда ёшлар учун янги иш ўринлари яратишда давлат ва хусусий секторнинг бирга ишлаши (PPP) муҳим. Бу орқали инфратузилма, қишлоқ хўжалиги, маҳсулотни қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ёшлар кўпроқ иштирок этади. Давлат солиқ имтиёзлари, ер ажратиш ва бошқа ёрдамлар берса, хусусий сектор ёшларни иш билан таъминлашдан манфаатдор бўлади.

## 5. "Ёш фермер" ва "Ёш усталар" лойиҳаларини кенгайтириш

Қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик соҳалари ёшлар учун катта бандлик салоҳиятига эга. Шунинг учун "Ёш фермер" ва "Ёш усталар" дастурларини молиявий ва ташкилий жиҳатдан кенгайтириш зарур. Бу орқали ёшларга ер майдонлари, асбоб-ускуналар, ускуна кредитлари ва бозорга чиқиш имкониятлари яратилади. Бундан ташқари, ҳудудий ёшлар кластерлари ташкил этиш орқали тажриба алмашинуви ва маҳсулотни қўшма сотиш имкониятлари ошади.

Хулоса сифатида айтиш керакки, қишлоқ жойларда ёшларнинг бандлигини таъминлаш нафақат жамиятда барқарорликни сақлаш, балки миллий иқтисодиётнинг ривожланиши учун ҳам муҳимдир. Шу сабабли, мавжуд молиявий механизмлар ёшларнинг эҳтиёжларига мос равишда такомиллаштирилиши лозим.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, ёшларнинг тадбиркорлигини рағбатлантириш, стартап грантлар, дуал таълим тизими ва молиявий саводхонликни

оширишга қаратилган дастурлар ёшлар орасидаги ишсизликни сезиларли даражада камайтиради.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ёшлар бандлигини таъминлаш сиёсатида молиявий механизмларни қайта кўриб чиқиш ва янги, инновацион ёндашувларни жорий этиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигини ташкил этиш тўғрисида” (ПҚ–4862, 08.10.2020).
2. UNICEF. Youth of Uzbekistan: Challenges and Prospects. 2020.
3. World Bank. Youth Employment in Uzbekistan: Opportunities and Challenges. 2021.
4. UNESCO. Skills Development for Employability in Rural Areas of Uzbekistan. 2025.
5. Жўраева, Г.Ш. Improving the mechanism for ensuring the employment of labour resources. Journal NX, 2023.
6. Абдухамитова, Н.А. The main problems of youth employment in Uzbekistan and their solution. 2019.6. “Ёшлар учун давлат сиёсати – амалда” (Мақола, Gov.uz).  
Линк: <https://gov.uz/uz/yoshlar/news/view/8531>